Insonga naf keltirish — oliy baxt!

# Ishonch

2016-yil
15-oktabr,
shanba

№ 123
(3784)

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ ЛОЙИҲАСИНИ КИРИТИШ ҲАҚИДА ҚОНУНЧИЛИК ТАШАББУСИ

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига**

Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришнинг умумий стратегиясини амалга ошириш доирасида қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш юзасидан қатор чора-тадбирлар изчил амалга ошириб келинмоқда.

Тарихан қисқа давр ичида мамлакатда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашнинг институционал ва ҳуқуқий асослари шакллантирилди, коррупцияга қарши курашишнинг самарали тизими яратилди.

Мазкур йўналишдаги ислоҳотларни амалга ошириш давомида миллий қонунларга халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларини сингдириш масаласига алоҳида эътибор берилди ва бу муносабат 2008 йилда қабул қилинган «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябр) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида»ги Қонунда ўз аксини топди.

2010 йилда Ўзбекистон Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти Коррупцияга қарши курашиш тармоғининг Истамбул ҳаракат дастурига қўшилди.

Сўнгги йилларда коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан, Бюджет ва Божхона кодекслари (янги таҳрирда), «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги, «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги, «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги, «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги, «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди.

Иқтисодиётни эркинлаштириш, ишчанлик муҳитини яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қулай шароитлар яратиш, маъмурий тўсиқларни бартараф этиш ҳамда лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини соддалаштириш, давлат харидлари механизмларини такомиллаштириш, давлат хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидаларини тасдиқлашга доир бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш мақсадида илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Қонун лойиҳаси коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тўлиқ қонуний тартибга солишга, давлат органлари, ташкилотлар ҳамда фуқаролик жамияти институтлари томонидан амалга оширилаётган коррупцияга қарши қаратилган чора-тадбирлар самарадорлигини оширишга, шунингдек, коррупцияни ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларидан тўлиқ бартараф этишга, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш орқали жамиятда коррупциянинг ҳар қандай кўринишларига тоқат қилмаслик муҳитини яратишга қаратилган.

Қонун лойиҳасида коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари ҳамда бу борадаги давлат сиёсатининг муҳим йўналишлари, ваколатли органлар тизими, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқароларнинг мазкур соҳадаги иштироки, шунингдек, халқаро ҳамкорлик мустаҳкамлаб қўйилмоқда.

Бундан ташқари, коррупцияга қарши курашувчи субъектларнинг фаолияти мувофиқлаштирилишини таъминлаш ва ҳамкорлигини кучайтириш мақсадида Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясини тузиш ва унинг таркибига тадбиркорлар жамоат бирлашмаларининг ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг вакилларини киритиш назарда тутилмоқда.

Шундай қилиб, қонуннинг амалга киритилиши фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинишини таъминлашнинг қўшимча ҳуқуқий кафолатларини яратади, хусусий мулк ҳуқуқига ғайриқонуний тажовузларни, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига асоссиз аралашувларни чеклашга кўмаклашади ва натижада ишчанлик фаоллиги ўсишига ҳамда мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлиги ошишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасига асосан «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг муҳокамасига киритилмоқда.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2016 йил 14 октябр*

## ИСЛОМ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА БЎЛАДИГАН 43-СЕССИЯСИГА ДОИР

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги 2016 йил 14 октябр куни маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун 18-19 октябр кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 43-сессиясига бағишланган брифинг ўтказди.**

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири ўринбосари Ғайрат Фозилов Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо 26 давлат ташқи ишлар вазирлари мазкур йиғилишда иштирок этишини тасдиқлаганини маълум қилди. Булар Афғонистон, Бангладеш, Гаяна, Жазоир, Индонезия, Иордания, Камерун, Кот д'Ивуар, Кувайт, Ливия, Малайзия, Малдив, Миср, Нигерия, Озарбайжон, Покистон, Саудия Арабистони, Сомали, Суринам, Тожикистон, Туркия, Фаластин, Яман, Қатар, Қирғизистон, Қозоғистон ташқи сиёсат идоралари раҳбарларидир.

Сессияда Ислом ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби Ияд Амин Маданий, Ислом тараққиёт банки гуруҳи президенти Бандар Ҳажжар, ташкилотнинг ёрдамчи ва махсус муассасалари бош директорлари, АҚШ, Франция, Италия, Буюк Британия, Швейцариянинг ИҲТдаги махсус вакиллари ҳамда БМТ, ЕХҲТ, Араб давлатлари лигаси, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш каби қатор тузилмалар вакиллари ҳам иштирок этади.

18 октябрда ўз ишини бошлайдиган сессия доирасида Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг амалдаги раиси Кувайт Давлати ўз раислик ваколатини расман Ўзбекистонга топширади. Шу пайтдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг ташқи ишлар вазири мазкур органнинг 2017 йилдаги навбатдаги сессиясига қадар Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг раиси функцияларини амалга оширади.

Тасдиқланган дастур ва кун тартибига мувофиқ очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлаши режалаштирилган.

Ўзбекистон Ислом ҳамкорлик ташкилотига мусулмон давлатларни бирлаштирувчи умумэътироф этилган форум сифатида қарайди, ИҲТ Ташқи ишлар вазирлари кенгашидаги бўлажак раислигини эса мамлакатимизнинг ислом тамаддуни ривожига қўшган улкан тарихий ҳиссасининг эътирофи, деб ҳисоблайди. Шундан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон ташкилотнинг дунёдаги ролини кенгайтириш ҳамда ташкилот олдидаги муҳим вазифаларни ҳал этишга ҳар томонлама кўмак беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Ташкилот фаолиятининг устувор йўналишларига мувофиқ равишда вайронкор мафкурага қарши курашиш, аҳолида, айниқса, ёш авлод вакилларида муқаддас ислом дини қадриятлари ҳақида тўғри тушунча ва фикрни шакллантириш, ҳар томонлама етук ва юқори билимли ёшларни тарбиялаш масалаларининг давлатларимиз барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлашдаги аҳамиятини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикасининг ИҲТ Ташқи ишлар вазирлари кенгашидаги раислиги «Таълим ва маърифат — тинчлик ва бунёдкорлик йўли» шиори остида ўтади.

Сессия қатнашчилари ялпи мажлисларда Ислом ҳамкорлик ташкилоти олдида турган давлатлараро мулоқотни қўллаб-қувватлаш, тинчликни мустаҳкамлаш соҳасидаги умумий вазифаларни ҳал қилиш ҳамда сиёсат, иқтисодиёт, илм-фан, таълим, маданият ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни чуқурлаштириш масалаларини ҳам муҳокама қилади.

Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 43-сессиясига тайёргарлик кўриш доирасида жорий йилнинг август ойида Саудия Арабистони Подшоҳлигининг Жидда шаҳрида Иқтисодий, маданий ва ижтимоий масалалар бўйича Ислом комиссиясининг 39-сессияси ҳамда ИҲТга аъзо давлатлар юқори мансабдор шахсларининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Ушбу форумлар ишида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов бошчилигидаги делегация иштирок этди.

Мазкур тадбирлар якунларига кўра, Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган Ташқи ишлар вазирлари кенгаши мажлисида тасдиқланиши режалаштирилган 100 дан ортиқ резолюция маъқулланди. Бундан ташқари, ИҲТнинг Махсус қўмитаси томонидан тадбир доирасида қўшимча равишда қатор резолюция лойиҳалари кўриб чиқилади.

Сессия якунига кўра қабул қилинадиган асосий ҳужжат Тошкент декларацияси ҳисобланади. Мазкур ҳужжат ИҲТ кун тартибидаги асосий сиёсий, иқтисодий ва маданий-гуманитар масалаларни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашидаги раислигининг устувор йўналишларини ўз ичига олади.

**ЎзА**

Касаба уюшмалари — болаларга!

## Истиқлол ғунчалари — умидимиз юлдузчалари



**Қўшиқ айтмоқ эзгулик уруғини сочмоқдир. Айниқса, беғуборлик ва самимият тимсоли бўлган болажонлар биргалашиб қўшиқ айтганида, яйраб рақсга тушганида олам меҳр-саховатдан, яхшиликдан яшнаб-яшариб кетади. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсати қарорига асосан Соғлом она ва бола йили муносабати билан ҳамда «Касаба уюшмалари — болаларга» акцияси доирасида ташкил этилаётган «Истиқлол ғунчалари» кўрик-танловларида бу ҳақиқатнинг нақадар ростлигига яна бир карра ишонч ҳосил қилдик.**

Камалак мисол анвойи либосларда кўзни яшнатиб она-Ватан, озодлик, бахтиёр болаликни тараннум этаётган истиқболи порлоқ фарзандларимизни кўриб санъатимиз келажаги ишончли қўлларда эканига ишонгинг келади.

— Куй-қўшиқ шундай кучга эгаки, теграсида яхшилик ва меҳр-саховатни бирлаштириб, келажакка умид уйғотади. Умидимиз юлдузлари бўлган болажонлар қалбида санъатга ихлос ва рағбатдан ташқари катта истеъдод қирралари яширинганига «Истиқлол ғунчалари» кўрик-танлови мисолида гувоҳ бўлиб турибмиз, — дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими бош мутахассиси Эътиборхон Раҳмонова. — 3 босқичда ташкил этилган танловда корхона ва ташкилотлар балансида бўлган маданият саройларида, шунингдек, жойлардаги маданият ва аҳоли дам олиш марказларида фаолият юритувчи болалар бадиий жамоаларининг 7 ёшдан 16 ёшгача бўлган қатнашчилари 4 та йўналишда — анъанавий ижрочилик, эстрада қўшиқчилиги, якка ва ансамбл чолғу ижрочилиги ҳамда якка ва жамоа рақси ижрочилиги бўйича иштирок этишди. 22-30 сентябр кунлари ўтказилган туман босқичлари кўтаринки кайфиятда, байрамона ташкил этилиб, 7 минг 724 нафар ёш истеъдод соҳиблари қатнашди. Ғолиблар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичларига йўлланма олишди.

(4).

Сайлов – 2016

**Жорий йилнинг 13 октябр куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Марказий сайлов комиссияси раиси Мирза-Улуғбек Абдусаломов олиб борди.**

## Марказий сайлов комиссиясида

Видеоконфренцалоқа шаклида ўтган мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари аъзолари, сайловда иштирок этаётган сиёсий партиялар ҳамда ОАВ вакиллари қатнашди.

Мажлисда сайловга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Комиссия аъзолари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари фаолиятини самарали ташкил қилиш масалаларига бағишланган тадбирлар режасини муҳокама қилишди.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни юқори ташкилий савияда ўтказишда участка сайлов комиссиялари зиммасига катта масъулият юкланди. Марказий сайлов комиссияси, округ сайлов комиссиялари ва Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан сайлов комиссиялари аъзоларининг ҳуқуқий билимларини янада юксалтириш ҳамда уларнинг сайлов комиссиялари фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича кўникмаларини мустаҳкамлашга йўналтирилган семинар-тренинглар ташкил этиш режалаштирилаётгани айтиб ўтилди.

Тадбирлар Республика онлайн-семинар тренинги, шунингдек, участка сайлов комиссиялари аъзолари иштирокида ҳудудий семинар-тренинглар шаклида ўтказилиши мўлжалланган. Бунда участка сайлов комиссиялари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари, сайлов участкаларини жиҳозлаш, сайловчилар рўйхатини тузиш ва унга ўзгартиришлар киритиш, муддатидан олдин овоз беришни ҳамда сайлов куни овоз беришни ташкил қилиш, кузатувчилар институти аҳамияти, оммавий ахборот воситаларининг сайлов жараёни очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашдаги роли сингари муҳим жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди.

**Равшан БАЙКУЛОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот маркази ходими**

Муносабат

**Мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини ошириш, фуқароларнинг турли қатламлари, гуруҳлари манфаатларини мувофиқлаштиришга катта эътибор қаратиб келинаётир. Бу борада ижтимоий шериклик, тамойилларига амал қилиш, миллий қонунчилигимизни халқаро Конвенциялар, келишувлар ва жаҳон стандартлари талабларига мослаштириш муҳим рол ўйнайди.**

## Давр руҳига монанд

12 октябр куни «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунга ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни Олий Мажлис Сенати томонидан маъқуллангани ҳам мамлакатимиздаги энг йирик жамоа ташкилоти ҳисобланадиган касаба уюшмалари ҳаракатига қаратилган юксак эътибор, десак янглишмаймиз.

Маълумки, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ўз таркибида юртимиздаги 6 миллиондан ортиқ турли касб эгаларини бирлаштиради. Касаба уюшма мутахассислари меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоялаш, дам олиши, соғлиғини тиклашига кўмаклашиш, фарзандларини оромгоҳларда соғломлаштириш, маданий ва спорт тадбирлари уюштириш билан бир қаторда корхона ва ташкилотларда меҳнат қонунчилиги нормаларига амал қилиниши устидан жамоатчилик назоратини олиб боради.

(2).



Адолат қарор топди

>> 3



Ўзбек тили — миллатимиз ғурури

>> 4

(1).

Дарҳақиқат, санъат байрами сифатида ўтаётган «Истиқлол ғунчалари» кўрик-танловидан кўзланган асосий мақсад ёш авлод қалбида санъатга ва бадиий ҳаваскорлик ижодиётига бўлган қизиқишни ўстириш, иқтидор эгаларини аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш, уларнинг мусиқий ва эстетик дидларини шакллантириш бу орқали уларда Ватанга муҳаббат туйғусини кучайтириш, миллий қадриятларни эъзозлаш ҳамда кўпмиллатли мамлакатимизда яшаётган халқларнинг бой маданий мерос ва анъаналарини қадрлашга ўргатиш, шунингдек, меҳнаткашлар фарзандлари орасидан иқтидорларни аниқлашдан иборат.

13 октябр куни Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда ҳудудий босқичлар ўтказилди. Уларда 1700 нафарга яқин санъатсевар ўғил-қизлар қатнашди.

Кўрик-танлов ғолибларини танлаш чоғида ижрочилик маҳорати, куй-қўшиқларнинг мазмуни, иштирокчиларнинг саҳнадаги ҳаракати, кийимлари эътиборга олинди. Шунингдек, қўшиқ матнининг бадиий мукаммаллиги ва таъсирчанлиги, куйларнинг миллийлиги ва ўзига хослиги, энг муҳими, она-Ватанга



# Истиқлол ғунчалари – умидимиз юлдузчалари

садоқат келажакка ишонч ғоялари нечоғли таъсирчан ифода этилганига жиддий эътибор қаратилди. Зеро, юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси билан йўғрилган, мазмунан теран, бадиий мукаммал қўшиқлар ҳар қандай инсоннинг кўнглини ажиб туйғуларга тўлдириб, хайрли ишларга ҳавас ва рағбат уйғотади.

* * *

**Самарқанд**да «Истиқлол ғунчалари» кўрик-танловининг вилоят босқичи юксак савияда ташкил этилди. Вилоят қўғирчоқ театрида 116 нафар иштирокчига эга жамоавий гуруҳлар, 34 нафар якка ижрочи маҳорати синовдан ўтказилиб, ҳар бир йўналиш мутахассислар томонидан баҳолаб борилди.

Танлов вилоятда янги-янги истеъдодлар камолга етаётганлигини кўрсатди. Куй, оҳанг сеҳри, ижрочилик услуби, устозлар маҳорати ўз сўзини айтди. Анъанавий ижрочилик йўналишидаги энг яхши қўшиқ нарпайлик Ҳасан ва Ҳусан Нуруллаевлар ижросида янгради. Эстрада қўшиқчилигида пастдарғомлик Зебунисо Мелиева, якка ва жамоа чолғу ижрочилигида ургутлик Азиза Зиёдуллаева, якка ва жамоа рақс ижрочилигида Каттақўрғон шаҳар маданият ва аҳоли дам олиш марказининг «Нафис» рақс дастаси ғолиб деб топилди.

**Жиззах** вилоятида ўтказилган танлов ҳам кўплаб истеъдодларни кашф этди. Жиззах шаҳридаги 1-Болалар мусиқа ва санъат мактабида ўтказилган танловда 57 нафар санъатга ошуфта болалар ўз иқтидорларини намойиш қилишди.

Зомин туманидаги 15-умумтаълим мактаби ўқувчиси Зарнигор Бозорова анъанавий ижрочилик, 10-мактаб ўқувчиси Лочинбек Тожибоев эстрада қўшиқчилиги, Ғаллаорол туманидаги 44-мактаб ўқувчиси Нурсултон Аликулов якка ва ансамбл чолғу ижрочилиги, Зомин туманидаги 51-умумтаълим мактаби ўқувчиси Мунаввара Саидвалиева якка ва жамоа рақс ижрочилиги йўналишларида ғолибликни қўлга киритиб, республика босқичига йўлланма олишди.

Ғолиблар ҳамда фаол иштирокчиларга ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

**Қашқадарё**да танловнинг вилоят босқичи санъат байрами тарзида ташкил этилиб, болажонларга завқ-шавқ улашди. Туманларда сараланган иқтидор эгалари орасидан ғолиб ва совриндорлар аниқланди.

Унга кўра, анъанавий ижрочиликда Шаҳрисабз туманидан Фазлиддин Жуманов, эстрада қўшиқчилиги йўналишида Муборак тумани 1-ўрта мактаб ўқувчиси Эмилия Ходжаева, якка ва ансамбл чолғу ижрочилигида Қарши шаҳридан Наргиза Раҳматова ғолиб бўлишди.

Санъат ихлосмандлари бир-биридан гўзал рақслар гулдастасидан ҳам баҳраманд бўлди. Якка ва жамоа рақси ижрочилиги бўйича Қарши шаҳри 4-ўрта умумтаълим мактабининг «Гулғунчалар» рақс жамоаси биринчи, Қарши тумани ёш раққосалари иккинчи ўринга лойиқ кўрилди.

— Ўзим бошланғич синф ўқитувчисиман, — дейди «Гулғунчалар» рақс жамоаси раҳбари Сурайё Муродова. — Ўқувчилар рақс дастасини тузганмиз. Касаба уюшмалари томонидан ташкил этилаётган «Истиқлол ғунчалари» кўрик-танлови ўғил-қизларнинг истеъдод қирраларини очишга хизмат қилмоқда.

Кўрик-танловнинг **Сурхондарё** вилоят босқичи ҳам кўтаринки руҳда ўтди. 83 нафардан ортиқ иштирокчи маҳоратини намойиш этди.

— Танловдаги чиқишларни томошабинлар ўзгача қизиқиш билан кузатишди. Жажжилар қалбидаги жўшқинлик, санъатга иштиёқ, куч-ғайратни кўриб, ҳайратланасан киши, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари Қ.Боболов.

Танлов якунига кўра, анъанавий ижрочиликда ангорлик Мафтуна Рустамова, эстрада қўшиқчилигида шерободлик Жамшид Ҳамроев, якка ва ансамбл чолғу ижрочилигида шерободлик Меҳри Салимова, якка ва жамоа рақси ижрочилиги йўналишида Қумқўрғон тумани жамоаси биринчи ўринларни эгаллаб, республика босқичига йўлланмани қўлга киритишди. Шунингдек, уларга вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

«Истиқлол ғунчалари»нинг **Қорақалпоғистон Республикаси** босқичи Нукус шаҳридаги 1-болалар мусиқа ва санъат мактабида бўлиб ўтди. Ёш истеъдод эгаларининг авж пардаларда куйлаши, маҳорат билан рақсга тушиши томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

Кўрик-танловнинг ҳудудий босқичида анъанавий ижрочилик йўналишида Қораўзак тумани болалар рақс жамоаси, эстрада қўшиқчилиги бўйича Кегайли туманидан Ислом Ҳабипов, якка ва ансамбл чолғу ижрочилигида Амударё тумани «Тасанно» ҳаваскор доирачилар жамоаси, якка ва жамоа рақси ижрочилигида Хўжайли туман 1-сонли «Меҳрибонлик» уйининг «Тонг ғунчалари» болалар рақс жамоаси ғолиб бўлди.

**Навоий**даги «Ширин» маданият саройида уюштирилган танловнинг вилоят босқичида ҳакамлар ҳайъати томонидан 108 нафар иштирокчидан иборат болалар бадиий жамоаларининг ҳар бир йўналиш бўйича чиқишлари баҳолаб борилди. Қатнашчиларнинг ижрочилик маҳорати, куй-қўшиқларининг мазмуни, саҳнадаги ҳаракати ва бошқа жиҳатлари эътиборга олиниб, ғолиблар аниқланди.

Кўрик-танлов натижаларига кўра, Навоий шаҳридан анъанавий ижрочиликда Самир Садуллаев, эстрада қўшиқчилигида Жамшид Адизов, якка чолғу ижрочилигида Навоий шаҳридан Дилафрўз Раҳматуллаева, Конимех туманидан якка рақс ижрочилик йўналишида Дурдона Астанова, жамоа рақс ижрочилигида «Ширин» маданият саройининг «Дўстлик» жамоаси 1-ўринга муносиб топилди. Ёш санъатсеварлар вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Сирдарё** вилояти Гулистон шаҳридаги 1-Болалар мусиқа ва санъат мактабида бўлиб ўтган кўрик-танлов ҳам барчада катта таассурот қолдирди.

— Танловнинг бутун ҳаяжони биз ота-оналарда кечди, — дейди қатнашчи Самандар Исматуллаевнинг онаси Дилафруз Маматова. — Ўғлим 12 ёшда. Шунга қарамай 2 та чолғу асбобини чала олади. Ҳозирда устози Насиба Содиқова билан маҳорат мактабини ўтамоқда. Унинг ютуқларидан жуда хурсандман. Юртимизда ёш авлод учун муносиб шароит, кенг имкониятлар яратилгани меваси бу.

Кўрик-танловнинг анъанавий ижрочилик йўналиши бўйича Гулистон туман маданият ва аҳоли дам олиш маркази «Деҳқон болалари» тўгараги, якка ва ансамбл чолғу ижрочилиги йўналишида Сирдарё туман «Ором» маданият ва аҳоли дам олиш маркази созандалик тўгараги қатнашчиси Самандар Исматуллаев, якка ва жамоа рақси ижрочилигида Гулистон туман маданият ва аҳоли дам олиш маркази «Лола» рақс тўгараги аъзолари, эстрада қўшиқчилиги йўналишида Мирзаобод туман маданият ва аҳоли дам олиш маркази тўгараги аъзоси Шоҳжаҳон Абдуғаниев 1-ўринга сазовор бўлишди. Шунингдек, қатнашчилар қатор номинациялар бўйича ҳам рағбатлантирилди.

Гулистон туманидан ташриф буюрган «Деҳқон болалари» фолклор ансамбли аъзолари маҳорати ҳакамлар томонидан алоҳида эътироф этилди. Ансамбл иштирокида «Таътил кунларида» дастури тақдим этилди. Дастур «Қўй боқиш», «Оқ керакми, кўк керак», «Ҳаппак тош», «Арғамчи», «Чиллак» болалар халқ қўшиқлари жамланмасидан иборат бўлди.

**Хоразм**. Нафис куй тарала бошлади. Зални жим-житлик чулғади. Бобур Юсупов тор жўрлигида «Сегоҳ»ни бошлади. 12 яшар болакайнинг маромига етказиб қўшиқ куйлаши томошабинларни ҳам, ҳакамларни ҳам ҳайратлантирди. Ёш хонанда қўшиғини тугатгач, гулдурос қарсаклар узоқ давом этди.

Урганч шаҳридаги маданият ва санъат коллежи залида бўлиб ўтган танловнинг вилоят босқичи Бобур каби ўнлаб истеъдодларни кашф қилди. Унда 100 дан ортиқ санъат ихлосмандлари ўз истеъдодини намойиш қилишди.

Хонқа туманидан ташриф буюрган иштирокчи Шарифа Ҳожиева қўлида дутор бамисоли сайради. Эстрада йўналиши бўйича иштирок этган боғотлик Гулбадан Ҳожиева «Оламдайин каттагина, онамдайин биттагина Ватаним» дея куйлаганида йиғилганлар унга жўровоз бўлди. Урганч шаҳри жамоаси ансамбл чолғу ижрочилигида «Пешрави дугоҳ»ни шунчалик маромига етказиб куйлашдики, бу жамоани бемалол профессионал созандалар гуруҳига қиёслаш мумкин. Рақс йўналишида ҳам урганчликлар барчани лол қилишди. Жамоа рақсида уларга тенг келадигани топилмади. Якка рақс йўналишида Мадина Каримова ижросидаги «101» рақси йиғилганларга завқ улашди. Урганч тумани жамоасининг қозоқча рақси ва қозоқ тилида ижро қилинган «Ўзбекистон» қўшиғи ҳам томошабинларга маъқул бўлди.

**Андижон** вилоятида ўтган танлов кўплаб истеъдод куртаклари юзага чиқаётганидан дарак берди. Шаҳар ва туман босқичларида 424 нафар истеъдод эгасининг ижодий маҳорати мутахассисларда катта умид уйғотди.

Анъанавий ижрочилик, эстрада қўшиқчилиги, якка ва ансамбл чолғу ҳамда якка ва жамоа рақси ижрочилиги йўналишларидаги қатнашчиларнинг чиқишлари ёш авлодда миллий санъатимизга бўлган қизиқиш устунлигини намоён этди. Айтайлик, Пахтаобод туманидаги 11-умумтаълим мактабининг 5-синф ўқувчиси Иззатилло Қўзибоевнинг «Ўзбекистон — Ватаним менинг», Олтинкўл туманидан келган тўққиз ёшли Миржалол Абдумажидовнинг «Соғлом бола» номли қўшиқлари, Асака туманидаги «Гулдаста» рақс ансамбли қизларининг «Дилхирож», Жалақудуқ тумани рақс жамоасининг миллий, классик ва ритмик рақслари, якка чолғу йўналишида иштирок этган қўрғонтепалик Зилолахон Қодирова ижросидаги «Бий», «Наводиши дутор» сингари куйларда ёш қалбларнинг асл санъатга интилиш ҳисси кучли эканлиги кўзга ташланди.

— Келажакда санъаткор бўлишни ният қилганман, — дейди Пахтаобод туманидаги 34-умумтаълим мактаби 7-синф ўқувчиси Муродилло Иброҳимов. — Устозларимдан «Эй, сарви равон», «Фиғонким», «Эй, нозанин», «Фарғона рубоийси» сингари ашулаларни ўргандим. Шу кунгача саҳнада имкониятимни синаб кўрмаган эдим. Бироз ҳаяжонда бўлсам-да, бугунги танловдаги иштироким ўзимга бўлган ишончимни оширди. Тенгдошларимнинг ижоди билан танишиб, ўзим учун кўплаб янгиликлар олдим.

Танлов ғолиблари ҳамда барча иштирокчиларга ташкилотчилар томонидан совғалар топширилди.

**Таъкидлаш жоизки, «Истиқлол ғунчалари» кўрик-танлови ёш истеъдодларни кашф қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришда муҳим омил бўлаётир. Албатта, болаларнинг бир-биридан жозибали қўшиқларини тинглаш, дилрабо рақсларини томоша қилиш, айниқса, саҳнада ўзини йўқотмай, эркин, ишонч билан маҳоратини намойиш этаётгани кишини тўлқинлантиради. Юраклари шижоат, орзу-ҳавас ва эзгуликка тўла бу болакайлар камолида Ватан истиқболи, санъатимиз келажагини кўриб қувонасан киши.**

**Ўз мухбирларимиз**

---

21 октябр – Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонуни қабул қилинган кун

**Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг дадил саъй-ҳаракати билан ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига ҳам 27 йил бўлди. Истиқлол йилларида она тилимизнинг нуфузини янада ошириш, оммавий муомалада адабий тил меъёр ва қоидалари бузилишининг олдини олиш борасида амалга оширилган аниқ мақсадли ишлар ўз самарасини берди. «Давлат тили ҳақида»ги қонунга асосан иш юритиш, таълим-тарбия, оммавий ахборот воситалари, ноширчилик соҳаларида ўзбек тили фаол қўлланилмоқда, ўзаро мулоқот воситаси сифатида мавқеи тобора ошмоқда.**

# Ўзбек тили – миллатимиз ғурури

*унинг нуфузини оширишга эътибор юксак босқичга кўтарилди*

«Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги фармон миллий ғуруримиз белгиси ҳисобланган она тилимиз мақомини бунданда юксалтириш йўлида муҳим тарихий ҳужжат бўлди. Мазкур фармон миллий-маънавий қадриятларга эътиборни янада ошириш, ёшлар онгига миллий ғурур туйғусини чуқурроқ сингдириш, ўзбек тили ва адабиёти тараққиётида туб бурилиш ясаб, баркамол авлод тарбиясида маънавий иммунитетни шакллантиришда дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Ўзбек тили ва адабиёти ривожида, уни ўқитиш соҳасида, юксак малакали кадрлар тайёрлаш, маънавиятимиз дурдоналари билан дунё ҳамжамиятини ўзбек тилидан бевосита инглиз тилига таржима орқали таништириш борасида ниҳоятда кенг имкониятлар эшиги очилди.

Ўзбек тили ва адабиётини замонавий ахборот ва педагогик технологиялар асосида, энг самарали усуллар орқали ўқитиш давр талабидир. Фармонда кўрсатилган бу соҳадаги вазифаларни изчил амалга ошириш ўқитиш методикаси соҳасида етук кадрлар тайёрлашнинг гарови саналади.

Энг муҳим жиҳатлардан яна бири, ўзбек филологияси соҳасида етук, малакали, иқтидорли, илмий салоҳиятли ёш кадрлар тайёрлаш билан бирга, ўзбек тили ва адабиётини ўрганиш бўйича фундаментал тадқиқотларни жаҳон андозалари даражасида олиб бориш учун шароит яратилди.

Янги ташкил этилган университет таркибида ўзбек тили ва адабиёти соҳасида илмий тадқиқотлар олиб боришга ихтисослашган институтнинг ташкил этилиши фан ва таълим интеграцияси ривожида муҳим босқич ҳисобланади. Назария ва амалиёт уйғунлиги ҳамиша муваффақиятлар гарови бўлиб келган. Ўзбек тилшунослиги ва адабиётшунослиги соҳасида фундаментал илмий изланишлар олиб бориш, назарий хулосаларни таълим жараёнида қўллаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда мазкур тизим ижобий самаралар бериши аниқ.

Бугунги кунда она тилимиз имкониятларини ўрганиш соҳасидаги тадқиқотлар анчагина салмоқли. Уларнинг самараларини таълим жараёнига татбиқ этиш бўйича ҳам ижобий ютуқларга эришилган, лекин муаммолар ҳам оз эмас. Тилимизнинг софлигини сақлаш, юксак муомала маданиятига хизмат қилиш даражасини ошириш, сўзлашувда ҳам адабий меъёрга амал қилиш жиҳатларини кўрсатиб бериш, тилнинг ижтимоий муносабатлардаги ижобий самарасини янада кўтариш, халқимизнинг шевага хос бой имкониятларидан адабий тилда фойдаланиш, ўзбек тилининг гўзаллиги, бойлигини инглиз ва бошқа тилларга таржимада ҳам акс эттириш, ёшларда интернетда она тилидан фойдаланиш маданиятини шакллантириш каби соҳалар бўйича илмий-тадқиқотлар олиб боришда ҳам мазкур тизим алоҳида аҳамиятга эга.

Мумтоз адабий меросимизни янада чуқурроқ тадқиқ этиш, ҳозирги адабий жараён, бадиий адабиётнинг инсон руҳиятига таъсири ҳамда бошқа кўплаб муаммоларни илмий таҳлил қилиш борасидаги тадқиқотларни мувофиқлаштириш ва амалга оширишда ушбу илмий-тадқиқот институтининг ўрни муҳим бўлиши аниқ.

Мамлакатимиз Биринчи Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида белгиланган ўзбек-инглиз таржимонлиги соҳасида етук мутахассислар тайёрлашга оид вазифалар ҳам чет тилларни ўрганиш асносида глобаллашув шароитида ўзбек тили ва адабиёти нуфузини янада оширишга қаратилган изчил тадбирлар олиб борилаётганидан далолат беради.

Миллатнинг руҳи, ғуруримиз тимсоли ҳисобланган тилимизни тараққий эттириш йўлидаги изчил саъй-ҳаракатларни янада фаоллаштириш, дадил амалий чоралар кўриш барчамиздан, хусусан, зиёлилардан катта маънавий жасоратни талаб этади.

**Нилуфар ШУКУРОВА,**
**Самарқанд шаҳар**
**Сиёб тиббиёт коллежи**
**ўқитувчиси**

---

Велоспорт

# Муваффақиятли иштирок

**Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзолари Таиланднинг Бангкок шаҳрида ўсмирлар ва катталар ўртасида ўтказилган велотрек бўйича Осиё кубоги баҳсларида кумуш ва 2 та бронза медалини қўлга киритди.**

14 та давлатнинг етакчи спортчилари иштирок этган нуфузли мусобақада Чирчиқ олимпия захиралари спорт коллежи тарбияланувчиси Олга Жантуганова кумуш медалига сазовор бўлди. Спортчи қизимиз, шунингдек, «Спринт» таснифидаги беллашувларда 3-поғонадан жой олди.

Иккинчи бронза медали эса эркаклар ўртасида якка тартибдаги таъқиб пойгаларида стартга чиққан ҳамюртимиз Андрей Измайловга насиб этди.

Энди улар 4-6 ноябр кунлари Буюк Британияда ҳамда 11-13 ноябрда Нидерландия мезбонлик қиладиган халқаро турнирларда иштирок этишади.

**Адҳам АРСЛОНОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

MUASSIS:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir o'rinbosari:
Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati:
Abdulaziz Abdullayev, To'lqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshev

BO'LIMLAR:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e'lonlar — 256-87-73

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri,
Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

HUDUDLARDAGI MUXBIRLAR:
Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-91) 943-67-44
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Navoiy — (+998-93) 314-13-03
Samarqand — (+998-97) 915-50-87
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55
Surxondaryo — (+998-91) 233-69-07
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir:
A.Qodirova
Navbatchi:
A.Arslonov
Musahhih:
S.Shodiyeva
Sahifalovchi:
H.Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti — 23:50
Topshirildi — 00:20

1 2 3 5 6

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma Г – 1015.
13619 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi: 133

Таҳририят ҳисоб рақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ипотека банк» Яшнобод филиали,
банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКОНХ: 87100